

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган



### ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

**Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида қараб келинмоқда. Бу масалалар аҳолининг саломатлик даражасини юксалтириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш билан чамбарчас боғлиқ.**

Оммавий болалар спортининг ривожланишини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилганлиги, шунингдек, мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари бунга ёрқин далилдир.

Шу йилнинг 6 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлиб ўтган мажлисида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ижро этилиши масаласи кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, вазирлик тизимида 61 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда жами 35 мингга яқин ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида мамлакатнинг турли ҳудудларида спорт тадбирларини мунтазам ўтказиб боришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мамлакатда 2009-2010 йилларда спорт мусобақаларини ўтказиш, спорт жиҳозларини харид қилиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш учун 28 миллиард 832 миллион сўм маблағ ажратилган. 2009 йилда вилоят, туман марказларида, қишлоқ ва маҳаллаларда 3 032 оммавий спорт тадбири ўтказилган бўлиб, уларга 1 миллион 300 мингдан ортиқ иштирокчи, шу жумладан, 500 минг нафарга яқин хотин-қиз жалб этилган. Вазирлик тизимида бошқа тузилмалар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар натижасида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони бугунги кунда 1 736 870 нафарга етган бўлиб, уларнинг 992 531 нафари қишлоқ жойларда истиқомат қилмоқда.

Шу билан бирга мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Рес-

публикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишида мавжуд бўлган камчилик ва нуқсонларга ҳам алоҳида эътиборни қаратдилар. Вазирлик девониди, вилоят, туман, шаҳар маданият ва спорт бошқармалари ҳамда бўлимларида ижро интизомини тубдан яхшилаш, мазкур вазирлик тизимидаги муассасаларни спорт йўналиши бўйича малакали мутахассислар билан тўла таъминлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, масъулиятини кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Вазирлик тизимидаги муассасаларнинг моддий-техник базасини бугунги кун талабларига мувофиқ янада яхшилаш зарур.

Масалани муҳокама қилиш асносида сенаторлар ва мутахассислар томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, унинг вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимлари, шунингдек, вазирлик тасарруфидидаги муассасаларнинг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш борасидаги фаолиятини янада яхшилашга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама яқунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

### СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ - ИЖТИМОЙ ФИКР КЎЗГУСИДА

**Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ва истиқлол йилларида ушбу соҳада эришилган натижалар тўғрисида аҳолининг хабардорлик даражаси ва бунга муносабатини аниқлаш мақсадида «Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар – ижтимоий фикр кўзгусида» мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.**

Сўров шуни кўрсатдики, иқтисодий-иқтисодий ислох қилиш ва ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизимини изчил янгилаш ўзаро чамбарчас боғлиқ жараёнлар бўлиб, улар бир-бирини тақозо этишини юртимиздаги деярли барча фуқаролар яхши тушунади. Шу боис, ҳамма катта ёшли аҳоли вакиллари (99,6 фоиз) давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлисининг юқори ва қуйи палатаси қўшма мажлисида белгилаб берилган мамлакатимизни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини самарали ислох қилмай туриб, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш мумкин эмаслиги хусусидаги қоида ва ҳулосаларни тўла қўллаб-қувватлайди.

Барча сўров қатнашчилари мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижаларини, умуман, юқори баҳолайди. Аҳолининг аксарият қисми (83,7 фоиз) суд-ҳуқуқ тизимида барқарор суръатда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда, деб ҳисоблайди. Сўров қатнашчиларининг фикрича, жамиятимизнинг барча соҳаларида тартиб янада кучайди, тадбиркорлик фаолияти учун қулай ҳуқуқий шароитлар яратилди, одамлар ҳуқуқий жиҳатдан янада кучлироқ ҳимоя қилинмоқда, аҳолининг умумий ҳуқуқий саводхонлиги ошмоқда ва ҳоказо.

Сўров иштирокчилари аҳоли ҳуқуқий саводхонлиги даражасининг барқарор ўсганини суд-ҳуқуқ тизимидаги муҳим ютуқлардан бири деб ҳисоблайди. Ўтган

йилги сўров билан таққослаганда, ўз конституциявий ҳуқуқларини «яхши» биландиганлар қарийб 3 фоизга ўсган ва 89,5 фоизни ташкил қилмоқда. Ҳуқуқий саводхонлик бугун умумий маданият, ақлий ва маънавий даража кўрсаткичларидан бири бўлибгина қолмай, балки, ҳам ишбилармонлик ва ишлаб чиқаришга оид масалалар, ҳам жамият ва социум билан боғлиқ ўзаро муносабатларни самарали ҳал қилишда талаб этиладиган заруриятга айланди. Шу боис жамиятимизда одамларнинг ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқни мустақил ўрганишга бўлган қизиқиши ортаётгани кузатилмоқда.

Аксарият аҳолининг қатъий фикрича, фуқароларнинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурмати тобора ўсмоқда ва буни суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг муҳим натижаларидан бири, деб баҳолаш мумкин. 98,5 фоиз сўралганлар Президентимизнинг инсон, унинг яшаш ҳуқуқи ва эркин ривожланиши энг бебаҳо қадриятдир, деган фикрини қўллаб қувватлайди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш сўрови шуни кўрсатдики, умуман, мамлакатимиз аҳолиси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш борасида эришилган ижобий натижаларни юқори баҳолайди ва уларнинг изчил давом эттирилишини том маънодаги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим қафолати деб билади.

### АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ: СТРАТЕГИЯ ВА РИВОЖЛАНИШ

**Мамлакатимизда ҳар йили сентябрь ойининг охирида «Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги – INFOCOM» бўлиб ўтади. Ҳафталик доирасида соҳани ривожлантиришга қаратилган ҳамда мутахассислар ва кўп сонли АКТдан фойдаланувчилар учун бирдек қизиқарли қатор тадбирлар ташкил этилади.**

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саккизинчи миллий саммит Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида мамлакат ривожланиши учун ахборот-коммуникация технологиялари системини шакллантириш ва жорий этишда кўмаклашиш» лойиҳаси (ICTP), Ўзбекистонда IT-компаниялар ва ташкилотлар уюшмаси томонидан ташкил этилади.

АКТ саммити давлат органлари, халқаро ташкилотлар мутахассисларига АКТ бозорини таҳлил қилиш, соҳадаги ютуқлар билан танишиш, янги барқарор ва ишончли шериклар топиш, Ўзбекистон Республикасига АКТни янада кенг жорий қилишда қўшимча сармоя ресурсларини жалб этиш имконини беради. Соҳани ривожлантиришда фикрлар, иловалар, янги ғоя ва истиқболларни муҳокама қилиш учун кенг имкониятлар яратадиган АКТ саммити АКТ ҳафталигининг ўзига хос интеллектуал қисми ҳисобланади. Ҳафталиқнинг амалий қисмида эса АКТ саммитидан кейин ўтказиладиган ICTExpo-2010 кўргазмаси ташкил этилади.

АКТ саммити 21 сентябрь куни Тошкент-

даги Халқаро бизнес-марказида бўлиб ўтади. Унда Ҳиндистон, Испания, Исроил, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Туркия, Чехия каби мамлакатлар ҳамда ахборот технологиялари бозорининг муҳим иштирокчиларидан бири бўлган Ўзбекистондан қарийб 350 делегат иштирок этади.

Саммит иши стратегия ва ривожланиш, технологиялар ва инфратузилма, иловалар ва қарорлар бўйича уч йўналишда бўлиб ўтади. Форум доирасида АКТни ривожлантиришда миллий дастурларни жорий қилиш ютуқлари ва муаммолари, жамиятнинг айрим соҳаларига ахборот технологияларини татбиқ этиш тажрибаси, электрон бошқарув, электрон соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш, медиабизнес ва инновация фаолиятни ривожлантириш соҳаларида кадрлар тайёрлаш ҳамда бошқа долзарб мавзуларга бағишланган элликка яқин маъруза тақдим этилади.

Саммит иштирокчилари томонидан муҳокама ва баҳслар асосида тавсиялар ишлаб чиқилиб, келгуси фаолият учун ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтайдиган резолюция қабул қилинади. Шунингдек, саммит яқунлари бўйича барча маъруза ва материалларни ўз ичига олган CD-дисклар тайёрланади.

Материаллар <http://summit.ictp.uz> манзилида электрон кўринишда барча фойдаланувчиларга тақдим этилади. Ушбу сайтда шунингдек, олдинги йиллардаги форум материаллари билан ҳам танишиш мумкин.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

УШБУ  
СОҲДА

2-бет

Ходим синовдан  
ўтолмаса-чи...

\$1 = 1616,24 сўм

3-бет

Маслаҳатни  
юрист беради

€1 = 2060,67

4-бет

Пенсияни ёшлиқдан  
жамғаринг!

£1 = 2501,13 сўм

5-6-бетлар

Биз яшайдиган  
уйда нима гап?

¥10 = 191,63 сўм

ХОДИМ СИНОВ МУДДАТИДА БЎЛГАНДА – III:

# «СИНОВДАН ЎТОЛМАДИ»

**Кўпчилик раҳбарлар синов муддати – меҳнат шартномаси билан белгиланиб, унинг давомида исталган вақтда ишдан бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин деб ҳисоблашади. Бироқ бу унчалик тўғри эмас. Ишдан бўшатиш чоғида сиз ходим нима учун фирмага тўғри келмаганлигини албатта асослаб беришингиз керак бўлади. Акс ҳолда қарорингиз устидан шикоят қилинганда суд ходимнинг тарафини олиши ҳеч гап эмас. Воқеаларнинг бундай ривожланишига йўл қўймаслик учун бир қатор мажбурий таомилларни бажариш ва эҳтимолий хатоларга йўл қўймаслик зарур.**

## 1. ХОДИМНИНГ ИСТИҚБОЛДА ИШДАН БЎШАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ОҒОҲЛАНТИРИШ МУДДАТИ ВА ШАКЛЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАСЛИК

Иш берувчи синов учун белгиланган муддат давридагина ходимнинг унга топширилган меҳнат функциясига мувофиқ эмаслигини аниқлашга ва бу ҳусусда қарор қабул қилишга ҳақлидир. Синов натижаларини қониқарсиз деб топиб, у Меҳнат кодекси (МК) 87-моддасининг биринчи қисми доирасида қатъиян ҳаракат қилиши,

яъни меҳнат муносабатлари бекор қилинишига 3 кун қолганда ходимни у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти борлиги тўғрисида **огоҳлантириши керак**. Огоҳлантиришнинг 3 кунлик муддатини қисқартиришга фақат меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига қараб йўл қўйилади. Бунда мазкур огоҳланти-

риш ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак. Белгиланган тартибга риоя этилмаслиги иш берувчи учун ноҳуш оқибатлар келтириши мумкин. Чунончи, агар синов муддати тугаган, ходим эса ишлашни давом эттираётган бўлса, у синовдан ўтган ҳисобланади ва бундан кейин у билан меҳнат шартномасини бекор қилишга фақат умумий асосларда йўл қўйилади.

## 2. ИШДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА АСОСИСЗ ҚАРОР

Синовнинг қониқарсиз натижалари сабабларини таърифлаётганда баён этишнинг далилланмаган, нотўғри, юридик жиҳатдан асосисз шаклларига йўл қўйилади.

Бундай хатога иш берувчилар уларда синовнинг қониқарсиз натижасини тасдиқлашнинг исботлаш базаси йўқлиги оқибатида йўл қўядилар ва **улар ўз қарорларини нима билан тушунтиришни билмайдилар** (ходимларнинг ишини қандай ташкил этиш ва унинг натижаларини қайд этиш «Ходим синов муддатида бўлганда – II» материалида баён этилган, «Норма

маслаҳатчи», 2010 йил 7 сентябрдаги 34 (267)-сон). Амалиётда кўпинча билдирувнома матнида ишдан бўшатиш сабаби сифатида: «Синовдан ўтолмади», деб кўрсатилади. Гап шундаки, уни изоҳлаб бермасдан ва иш берувчининг ҳулосаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз бундай таъриф суд низосига олиб келиши мумкин. Синовнинг қониқарсиз натижаси сабаблари ходим меҳнат шартномаси билан белгиланган ишни удалай олмаётганлигидан далолат берадиган аниқ далиллар билан тасдиқланиши керак. Бундай исбот-

далиллар сирасига интизомни бузган ноҳуш хатти-ҳаракатни ҳужжати расмийлаштиришни (тушунтириш хати, далолатномалар, жазо кўллаш тўғрисида буйруқ), шунингдек меҳнат функциясини лозим даражада ижро этмаганликни, шу жумладан маҳсулот ишлаб чиқариш меъёрларини бажармаганлик ва вақт нормативларига риоя этилмаганликни тасдиқлайдиган далилларни (раҳбарнинг ёзма топшириги ва ходимнинг уни бажариш тўғрисида ҳисоботи, миқдор ва ҳамкасбларнинг шикоятлари ва ҳоказо) қиритиш мумкин.

Бундан кейинги воқеалар икки вариантда ривожланиши мумкин.

**1-ВАРИАНТ.** Ходим сизнинг ҳулосаларингизга қўйилади. Бу ҳолда, одатда, ходим ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш тўғрисида қарор қабул қилади. Аризани у қўйиладиган ишдан бўшашдан камда 3 кун олдин бериши керак. Агар ишдан бўшатиш учун бошқа асослар бўлмаса, сиз ўз навбатида ходимни ушбу асосга кўра ишдан бўшатишингиз шарт.

**2-ВАРИАНТ.** Ходим сизнинг қарорингизга қўйилмади. Агар у меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги **билдирувномани\*** имзолашдан бош тортса, ходим ушбу ҳужжатни олишдан ва уни олганлиги тўғрисида тилхат беришдан бош тортганлиги тўғрисида далолатнома тузиш керак. Билдирувномани гувоҳлар ҳозирлигида топшириш лозим, улар ҳам далолатномага имзо қўйишлари керак. Сўнгра билдирувномани ишдан бўшатишнинг уй манзилига жўнатиш зарур.



Агар синов муддати давомида ходимнинг топширилган ишни бажара олмаслигини тасдиқловчи фактлар бўлмаса, лекин иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишга бошқа асослар (ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгариши, корхонанинг тугатилиши, ходим томонидан узлуксиз ёки бир марта меҳнат вазибаларнинг қўпол равишда бузилиши ва б.) мавжуд бўлса, меҳнат муносабатларини бекор қилиш бўйича белгиланган тартиб ва шартларга риоя этилган ҳолда тегишли асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.<sup>1</sup> Бундай ҳолда ходим билан меҳнат шартномаси синовдан ўтмаганлик асосида бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Агар меҳнат шартномасида назарда тутилган дастлабки синов муддати тугаган бўлса ёки унинг тугаганига 3 кундан кам кун қолган бўлса ва ходим уч кунлик огоҳлантириш муддатини қисқартиришга ўз розилигини бермаётган бўлса, иш берувчининг ташаббусига кўра, меҳнат шартномасини тугатишга МК 100-моддаси 2-қисмида кўрсатилган асослар бўлгандагина, яъни меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий асослари бўйича, йўл қўйилади.<sup>2</sup>

Агар дастлабки синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин ҳам уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР:

**?** Ходим синов муддати даврида ишдан бўшашга қарор қилди. Унинг бунга ҳуқуқи борми? Биз унга фойдаланилмаган таътил учун компенсация ҳисоблаб ёзишимиз керакми?

– Синов муддати ҳали тугамаган ходим ўз хоҳиши бўйича ишдан бўшашга ҳақлидир. Синов муддати нафақат раҳбарият ходимнинг қобилиятини баҳолаши учун, балки у ҳам янги ишга мослашиши учун керак. Агар у мазкур иш уни қониқтирмапти деб ҳисобласа, ишдан бўшашдан 3 кун олдин ариза бериши мумкин (МК 87-моддасининг биринчи қисми). **Ишдан бўшатишда ходимга ишланган вақтга мутаносиб равишда, барча фойдаланилмаган таътиллари учун пул компенсацияси тўланиши керак, чунки унга меҳнат тўғрисидаги барча қоидалар татбиқ этилади.**

**?** Ходим дастлабки синов муддати даврида узрли сабабларсиз ишга чиқмади (прогул қилди). Уни синов муддатидан ўта олмаган ходим сифатида ишдан бўшатиш мумкинми?

– Меҳнат интизомини синов муддати даврида бузиш, шу жумладан узрли сабабларсиз прогул қилиш **уни синов муддатидан ўта олмаган сифатида ишдан бўшатиш учун асос ҳисобланмайди**, чунки синов ходимнинг топширилаётган ишга мувофиқлигини текшириш мақсадида ўтказилади. Агар корхонанинг локал ҳужжатларида прогул учун ишдан бўшатиш назарда тутилган бўлса, мазкур ҳолда ходим узрли сабабларсиз прогул қилганлик учун ишдан бўшатилиши мумкин.

<sup>1</sup>Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 12-сон қарори (бундан кейин – ОС Пленумининг қарори) 12-бандининг учинчи хатбошиси.  
<sup>2</sup>ОС Пленуми қарори 12-бандининг бешинчи хатбошиси.

\*Билдирувноманинг намунаси эркин кириш учун очиқ бўлган [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида келтирилган.

## МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	08.09.2010	1	0,8038	1	1,0203	1	0,026
Арманистон	08.09.2010	1	363,85	1	461,4	1	11,76
Беларусь	09.09.2010	1	3030	1	3849,31	1	98,1
Грузия	09.09.2010	1	1,851	1	2,3524	1	5,9928
Қозоғистон	09.09.2010	1	147,49	1	187,02	1	4,77
Қирғизистон	09.09.2010	1	46,86	1	60,1187	1	1,5265
Латвия	09.09.2010	1	0,553	1	0,702804	1	0,0179
Литва	09.09.2010	1	2,7128	1	3,4528	10	8,782
Молдова	09.09.2010	1	12,3409	1	15,6791	1	0,3993
Тожикистон	09.09.2010	1	4,382	1	5,5878	10	1,4367
Ўзбекистон	07.09.2010	1	1616,24	1	2060,67	1	52,66
Украина	08.09.2010	100	790,82	100	1007,821	10	2,5733
Эстония	08.09.2010	1	12,3396	1	15,6466	1	0,398894

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)

### ДИҚҚАТ! «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»ГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Агар сиз сотиб олган маҳсулотингизга харид чеки бермаган, сифат сертификати ёки маҳсулотнинг ярқилик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаётган туриб савдо фаолиятини юритаётган ёхуд бошқа ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда ҳудудий давлат солиқ идораларининг қуйидаги ишонч телефонларига хабар бериш.

Давлат солиқ қўмитаси	8-371	244-98-98
Корақалпоғистон Республикаси ДСБ	8-361	222-00-33
Андижон вилояти ДСБ	8-374	222-14-77
Бухоро вилояти ДСБ	8-365	223-16-89
Жиззах вилояти ДСБ	8-372	226-23-23
Навоий вилояти ДСБ	8-436	0-62
Наманган вилояти ДСБ	8-369	226-81-86
Самарқанд вилояти ДСБ	8-366	234-06-16
Сирдарё вилояти ДСБ	8-367	225-11-20
Сурхондарё вилояти ДСБ	8-376	223-29-64
Фарғона вилояти ДСБ	8-373	224-35-57
Хоразм вилояти ДСБ	8-362	227-13-67
Қашқадарё вилояти ДСБ	8-375	225-10-82
Тошкент вилояти ДСБ	8-371	150-49-56
Тошкент шаҳар ДСБ	8-371	244-54-86

Бу билан сиз жамият олдида ўз фуқаролик бурчингизни бажариш билан бир қаторда ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйишга ҳамда нақд пул маблағларининг банк кассаларига вақтида келиб тушишига ҳиссангизни кўшган бўласиз.

ДСҚ Ахборот хизмати.

УШБУ СОНДА:

### ✓ УСТУВОРЛИКЛАР

- Қонун ижроси билан кучли
- Суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари – ижтимоий фикр кўзгусида
- Ахборот технологиялари ҳафталиги: стратегия ва

ривожланиш

1-бет

### ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Ходим синов муддатида бўлганда – III: «Синовдан ўтолмади»

– Валюталар курси

2-бет

### ✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Кам олдингизми? – Тўланг!

– Жўнатувчи номаълум бўлса...

– Лицензиясиз сотаверинг

3-бет

### ✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

– Пенсияни ёшлиқдан жамғариб боринг

4-бет

### ✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Мунозаралар қизиганидан қизийди...

5-6-бетлар

✓ top

7-8-бетлар



Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори билан янги Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари тасдиқланди, уларда электр энергиясини кам олганлик учун жарима ундириш назарда тутилмаган. Корхонамиз тўловларни ўз вақтида тўлаб келади, доимо олдиндан ҳақ тўлайди. Ой бошланишига 10 кун қолганда электр энергиясини истеъмол қилишнинг шартномавий ҳажмларига бир неча мартаба уларни камайитириш томони-га ўзгартишлар киритилди, бироқ қанча истеъмол қилинишини аниқ ҳисоблаб бўлмайди, шу сабабли кам олиш ҳоллари юз берди.

Янги Қоидалар қўлга кирганидан кейин, 2009 йил сентябрдан бошлаб, электр энергиясини кам олганлик учун жарима санкцияларини тўлаш талаби РЭСдан бир неча марта келиб тушганига қарамай, корхонамиз уларни тўлашни тўхтатди.

«ТошшаҳарЭТК» ОАЖ бизнинг корхонамиз янги Қоидалар қабул қилинган пайтдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 66-сон қарори (бундан кейин – 66-сон Қарор) чиқиши-гача бўлган давр учун жарима санкцияларини тўлашдан ноҳақ бош тортган деб ҳисоблайди. Буни янги Қоидалар қабул қилинаётганида Электр энергияси истеъмолчилари билан энергия таъминоти ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида низомнинг 14-банди бекор қилинмаган эди деб асослайдилар, ушбу бандда кам олганлик учун санкциялар назарда тутилган. 14-банд фақат 66-сон қарорга биноан чиқариб ташланди, шу боис кам олганлик учун санкциялар 2010 йилнинг 7 апрелигача тўланиши керак.

2000 йил 14 декабрдаги 160-II-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида белгиланишича, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги норматив кўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмоғи керак. Бинобарин, янги Қоидаларга зид бўлган барча нарсалар, ҳатто бу ҳол расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаса-да, ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Тушунтириб берсангиз, янги Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари қабул қилинганидан кейин электр энергиясини кам олганлик учун санкцияларни қўллаш қонунийми?


Корхона бош директори ўринбосари.

## КАМ ОЛДИНГИЗМИ? – ТЎЛАНГ!

– Янги Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида<sup>1</sup> ҳисоб-китоб даврида электр энергиясидан кам олганлик учун жарима санкциялари ўз аксини топмаган. Бироқ эски Қоидаларда<sup>2</sup> ҳам улар тўғрисида гапирилмаган эди. Кам олганлик учун жарима тўлаш қоида-си Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида низомда мустаҳкамланган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 511-сон қарорига 2-илова). Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг 14-бандида истеъмолчилар билан энергия таъминоти ташкилотлари ўртасидаги шартномаларда ҳисоб-китоб даврида шартномавий миқдорнинг 5 фоизидан кўп бўлган электр энергиясини кам олганлик ёки кам берганлик учун жарима санкцияларини<sup>3</sup> кўрсатиш назарда тутилган. Мазкур меъёр хатда айтилган 66-сон қарор билан 2010 йил 7 апрелдангина ўз кучини йўқотган.

Шу тариқа, 14-бандда мустаҳкамланган меъёр ҳақиқатда амал қилишда давом этганлиги боис, ҳатто янги Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида кам олганлик учун жарима санкциялари назарда тутилмаслигига қарамай, энергия таъминоти ташкилотларининг уларни тўлаш талаблари тўғридир.

Бунда шуни қайд этиш жоизки, келтирилган бандда урғу айни энер-



гия таъминоти шартномасидаги кам олганлик учун жарима санкцияларини тўлаш тўғрисидаги қоидаларни мустаҳкамлашга қўйилди. Шу муносабат билан ўйлашимизча, агар унда бундай қоидалар назарда тутилмаган бўлса, уларни тўлаш талаби нотўғридир. Электр таъминоти шартномасини эътибор билан ўрганиш тавсия қилинади. Агар унда кам олганлик учун жаримани назарда тутадиган қоидалар бўлмаса, энергия таъминоти ташкилотлари эса уни тўлашни талаб қилса, ҳўжалик юритувчи субъект бундан тўхтатиши мумкин.

Сиз келтирган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун қоидаларига келсак, уларни мазкур ҳолда қўллаб бўлмайди. Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида кам олганлик учун жарима санкциялари эслатилганлиги ва Электр энергияси ис-

теъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида низомда бундай кўрсатманинг мавжудлиги зиддият эмас. Кўрсатилган ҳужжатлар муносабатларнинг бир соҳасини тартибга соладиган мустақил меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Кўриб чиқилаётган вазиятда 66-сон қарорга мувофиқ Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида низомнинг 14-банди ўз кучини йўқотган деб эътироф этилганлиги, Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>4</sup> мазмунига кўра худди шундай бўлган 21-банди эса ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаганлиги зиддиятга мисол бўла олади. Ушбу ҳужжатга охириги ўзгартишлар умуман киритилмаган. Мазкур ҳолда кўрсатилган банд «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ ўз-ўзидан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Артём АДЕЕВ,  
«Норма» МЧЖ  
эксперт-юристи.

## ЖўНАТУВЧИ НОМАЪЛУМ БЎЛСА...



Агар почтадан юборилган хатда жўнатувчининг реқвизитлари кўрсатилмаган бўлса, почта алоқаси ходимлари уни очиб кўришга ҳақлимилар? Хатни очиб кўриш фуқароларнинг Конституцияда қайд этилган ёзишмаларнинг сир сақланиши ҳуқуқини бузиш ҳисобланмайми?

Газетхон.

– Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари\* (бундан кейин – 1256-сон Қоидалар) 126-бандининг учинчи хатбошисига мувофиқ почта қутиларидан йиғиб олинган, уларни тайинланган жойига юбориш ёки жўнатувчиларга қайтариш имконини бермайдиган манзилсиз ёки тўлиқ бўлмаган, тушунарсиз, қисқартирилган манзиллар ёзилган оддий хатлар, почта карточкалари тарқатилмаган почта жўнатмаларига киради. Тарқатилмаган почта жўнатмалари фойдаланувчиларнинг манзилларини ёки уларни манзилга етказиш (топшириш) ёки жўнатувчига қайтариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни аниқлаш мақсадида очиб кўрилиши қонунга зид эмас (1256-сон Қоидаларнинг 127-банди).

Агар тарқатилмаган почта жўнатмасини очиб чоғида фойдаланувчиларнинг манзилини аниқлашга муваффақ бўлинса, жўнатма далолатноманинг бир нусхаси билан бирга эҳтиёт қилиш қопчасига ўраб-жойлаштирилади ва манзилга юборилади ёки жўнатувчига қайтарилади.

Ёзишманинг сир сақланишига келсак, «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуннинг (2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-211-сон Қонун таҳририда) 16-моддасига мувофиқ ёзишмалар ва почта жўнатмалари сирини сақлаш мақсадида почта алоқаси оператор ва провайдерларига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (юқорида кўрилган ҳол улардан бири ҳисобланади), почта жўнатмасини очиб ёки очмасдан туриб унинг мазмуни тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш тақиқланади.

\*ЎзААА бош директорининг АВ томонидан 2003 йил 16 июлда 1256-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

Елена ЕРМОХИНА,  
«Норма» МЧЖ эксперт-юристи.

## ЛИЦЕНЗИЯСИЗ СОТАВЕРИНГ




Бизнинг корхонамиз тасдиқланган устав асосида ички имкониятлардан келиб чиқиб, ўз кучи билан турли хил дағал озуқалар (йўнгичқа, маккажўхори, тарик, силос ва бошқа) тайёрлайди.

Биз бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга мазкур дағал озуқаларни пул ўтказиш йўли билан реализация қилиш бўйича улгуржи савдо фаолиятига рухсат берадиган лицензия олишимиз лозимми? Хурмат билан, корхона раҳбари.

– Агар сиз дағал озуқаларни мустақил равишда етиштирсангиз, Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом (ВМнинг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган) 2-банди иккинчи хатбошисининг тижорат мақсадларида фойдаланиш ёки ўз ишлаб чиқариш-ҳўжалик эҳтиёжлари учун ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш улгуржи савдо фаолияти деб эътироф этилади, дейилган маъносидан келиб чиқилса, улар билан улгуржи савдо қилишга лицензия олишингиз керак эмас.

Артём ОТСТАВНОВ,  
«Норма» МЧЖ  
эксперт-юристи.



<sup>1</sup>ВМнинг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари, ВМнинг 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарори билан тасдиқланган, ҳозирги вақтда ўз кучини йўқотган.

<sup>3</sup>Давлат бюджетидан молияланадиган ташкилотлардан ташқари.

<sup>4</sup>Электр энергетикасида назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи билан тасдиқланган, АВ томонидан 2005 йил 11 январда 1440-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

# ПЕНСИЯНИ ЁШЛИКДАН ЖАМГАРИБ БОРИНГ

2005 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг амалдаги давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилди. Мазкур соҳани тартибга соладиган асосий ҳужжат «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун (2004 йил 2 декабрдаги 702-II-сон, бундан кейин – Қонун) ҳисобланади.

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; чет эллик фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимо яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳақлидирлар.

Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди (Қонуннинг 5-моддаси).

Иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача

## ИМТИЁЗЛАР

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, фуқаролар томонидан ШЖБПХ маблағларидан фойдаланишдан олинган фойдали даромадлардан ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди (Қонуннинг 14-моддаси). Ойлик бадаллар ходимнинг солиқ солинадиган иш ҳақи (даромадлари) 1 фоизи миқдоридан<sup>2</sup> олинмайди, қонун ҳужжатларида кўра ҳисоблаб ёзилган, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи (ЖШДС)дан ушбу сумма тегишинча чегирилади.

**МИСОЛ.** Жисмоний шахснинг январь учун меҳнат ҳақи тарзидаги даромади 200 000 сўмни ташкил қилади. Январь учун ЖШДС<sup>3</sup> – 22 000 сўм. Ходимнинг даромадларидан ШЖБПХга ходимнинг ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи (даромадлари) солиқ солинадиган суммасининг 1% миқдоридан бадаллар ушланади:

$$200\,000 \times 1\% = 2\,000 \text{ сўм.}$$

Мажбурий бадаллар ҳисоблаб ёзилган ЖШДСдан чегирилганлиги сабабли бюджетга ўтказилиши керак бўлган солиқ суммаси 22 000 эмас, балки 20 000 сўмни (22 000 – 2 000) ташкил қилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг солиқ солинадиган, ШЖБПХга иштирокчилик асосида йўналтириладиган иш ҳақи

қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир (Қонун 6-моддасининг биринчи қисми).

ШЖБПХда маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;

жамғариб бориладиган иштирокчилик бадаллари;

ШЖБПХ маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар<sup>4</sup>;

қонун ҳужжатларида зид бўлмаган бошқа маблағлар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш чоғида Халқ банки томонидан фуқароларга умрбод белгиланадиган доимий шахсий рақам билан ШЖБПХ очилади.

суммалари ва бошқа даромадлари солиқ солишдан озод қилинган (Солиқ кодекси 179-моддасининг 31-банди). Имтиёздан қандай фойдаланиш лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига иштирокчи равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомда<sup>4</sup> баён этилган. Ҳужжат 2010 йил 14 июндан амал қилмапти. Чунинчи, ЖШДС бўйича имтиёз жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини иштирокчилик асосида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига йўналтириладиган маблағлар суммасига камайтириш кўринишида (солиқ чегирмаси) қўлланади. Солиқ чегирмаси ШЖБПХга жисмоний шахс даромадининг ҳисоблаб ёзилган суммаси доирасида иштирокчи равишда ўтказиладиган маблағлар суммасида тақдим этилади.

**МИСОЛ.** Жисмоний шахснинг январь учун меҳнат ҳақи тарзидаги даромади 200 000 сўмни ташкил қилди. ШЖБПХга иштирокчи бадаллар (даромаднинг 10%) – 20 000 сўм.

Солиқ солинадиган даромад (200 000 сўм) ШЖБПХга иштирокчи бадаллар суммасига камайтирилади: 200 000 – 20 000 = 180 000 сўм. Шу тариқа, ЖШДС 19 800 сўмни (180 000 x 11%) ташкил қилади; ШЖБПХга мажбурий (солиқ солинадиган даромаднинг 1%) – 1 800 сўм.

Мажбурий бадаллар ҳисоблаб ёзилган ЖШДСдан чегирилиши боис, бюджетга ўтказиладиган солиқ суммаси 19 800 эмас, балки 18 000 сўмни (19 800 – 1 800) ташкил қилади.

<sup>1</sup>Халқ банки шахсий ШЖБПХдаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Молия вазирлиги ҳамда Марказий банк билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.


<sup>2</sup>Ставка ВМнинг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарори 2-бандига биноан белгиланган, 2010 йилда Президентнинг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига (бундан кейин – ПҚ-1245-сон қарор) мувофиқ сақланган.

<sup>3</sup>2010 йил 1 январдан бошлаб ЖШДСнинг қуйидаги ставкалари амал қилмапти: энг кам миқдор – 11%, ўртача миқдор – 17%, энг кўп миқдор – 22% (ПҚ-1245-сон қарорга 8-илова).

<sup>4</sup>МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2010 йил 4 июнда 2111-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

<sup>5</sup>Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 2010 йил учун мажбурий сурғурта бадаллари ставкаси ПҚ-1245-сон қарорнинг 3-бандига биноан белгиланган.

<sup>6</sup>Аризининг намунаси Низомга 1-иловада келтирилган.



Таққослаймиз:

ШЖБПХга иштирокчи бадаллар	Жисмоний шахснинг даромади	Даромадан мажбурий ажратмалар			ШЖБПХга умумий сумма	Барча мажбурий ажратмалар тўланганидан кейин олиннадиган даромад
		ШЖБПХга мажбурий бадаллар	исhti-мой суғуртага бадаллар	бюджетга ўтказиладиган ЖШДС		
Тўланмайди	200 000	2 000 (даромаднинг 1%)	8 000 (даромаднинг 4%) <sup>5</sup>	20 000 (22 000 – 2 000)	2 000	170 000 (200 000 – 2 000 – 8 000 – 20 000)
20 000 (даромаднинг 10%)	200 000 (ЖШДС ва мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоби учун: 200 000 – 20 000 = 180 000)	1 800 (даромаднинг 1%)	8 000 (даромаднинг 4%)	18 000 (19 800 – 1 800)	22 000	152 200 (200 000 – 1 800 – 8 000 – 18 000 – 20 000)

Бироқ агар корхона ходими – ишлаётган пенсионер у солиқ чегирмасидан фойдаланган йилнинг тугашигача Халқ банкидаги ўз ҳисобварақидан иштирокчи бадалларнинг барча суммаси ёки бир қисмини олса, ушбу суммага жами даромад тўғрисидаги декларация асосида оддий тартибда, яъни имтиёзни қўлламасдан даромад солиғи солинади.

Корхона бухгалтерияси имтиёзни қўлла-

## МАБЛАҒЛАРНИ ОЛИШ

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия тизимида олувчи сифатида иштирок этувчи фуқаролар давлат пенсиясига ҳуқуқ пайдо бўлганда жамғариб бориладиган мажбурий пенсия тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгиладиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 19-моддаси). Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида аризани давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда, бирор-бир муддат билан чекламай, бериш мумкин. Тўловлар бу хусусда мурожаат қилинганидан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг энг кам ёки энг кўп миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланмаган.

**МИСОЛ.** Пенсионер Халқ банкига ШЖБПХда жамланган бутун суммани бир вақтда бир йўла олиш учун мурожаат қилди.

## ТЎЛОВЛАРНИ ТУГАТИШ

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади (Қонуннинг 24-моддаси):

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;

бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;

иш учун ходим муайян суммани ШЖБПХга иштирокчи бадал сифатида ўтказишга ариза ёзиши керак. Шунингдек унда у даромад солиғи тўлашдан озод қилиниши ва кўрсатилган маблағлардан улар ўтказилган солиқ даври (йил) мобайнида фойдаланилган тақдирда мазкур маблағларга жами йиллик даромад тўғрисидаги даромад асосида ЖШДС солиниши<sup>6</sup> тўғрисида хабардор қилинганлигини тасдиқлайди.

Кейинроқ пенсионер ишга жойлашди ва ШЖБПХга мажбурий ҳамда иштирокчи бадалларни ажратишда давом этди. Бу ҳолда ҳам у Халқ банкига мурожаат қилиш ва бутун суммани бир вақтнинг ўзидан бир йўла ёки уни қисмларга бўлиб, ҳар ойда тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Кўрсатилган тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиаллари Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан берилган, жамғарилган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида амалга оширилади.

Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади (Қонуннинг 17-моддаси).

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига жамғарилган маблағлар ҳам бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш суд қарорлари ва бошқа органларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро этиладиган ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин (Қонуннинг 25-моддаси).

Мария ТУХТАРОВА,  
«Норма» МЧЖ юристи.

## Реклама

Мақола электрон маълумотномэ тизими материаллари асосида тайёрланди.

### NORMA ПЕНСИЯЛАР. НАФАҚАЛАР. ИМТИЁЗЛАР

- Пенсиялар тайинлаш ва тўлаш, шу жумладан айрим тоифадаги ходимларни пенсия билан таъминлаш хусусиятлари.
- Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти механизмлари.
- Болалар учун нафақалар, имконияти чекланган шахслар, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, кам таъминланган оилаларга нафақалар ва имтиёзлар, компенсация ва бошқа тўловлар тайинлаш ва тўлаш тартиби.
- Энг кўп бериладиган саволларга жавоблар.
- Пенсиялар ва нафақалар ҳисоб-китобига оид мисоллар.
- Ижтимоий таъминотга доир меъерий ҳужжатлар ва тушунтиришлар.

Харид қилиш учун манзил:  
Тошкент ш., М. Улугбек тум., Х. Олимжон майд., 10А. Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



# БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

Маърифий мавзудаги нашр\*



Диққат, муаммо!

## МУНОЗАРЛАР ҚИЗИГАНИДАН-ҚИЗИЙДИ...


**Кўп хонадонли уй-жойлардаги иссиқлик шохобчалари аввалгидек хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва иссиқлик таъминоти ташкилотлари ўртасида қизгин мунозараларга сабаб бўлади. Муаммо кўп йиллардан бери долзарб бўлиб келади, зеро иссиқлик шохобчалари уй ичида иссиқлик таъминоти тизимининг юрагидир. Ўз квартираларимизда қишда совқотишимиз ёки бинойидек иссиқликда яшашимиз шу шохобчаларнинг ҳолатига боғлиқдир.**

Бунинг учун ким жавоб бериши, бинобарин, таъминот масаласи кўп йиллардан бери қизгин баҳс-низоларга сабаб бўлиб, тарафларнинг бусиз ҳам таранг муносабатларининг қайнаб тошишига олиб келяпти. Аслида у уй-жой-коммунал хўжалик кун тартибидан уч йил аввалроқ олиниши керак эди. **Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчилар ўртасида мулкнинг бўлиниш чегаралари ҳамда муҳандислик коммуникацияларини сақлаш учун жавобгарлик тўғрисидаги низо** («Ўзкоммунахизмат» агентлиги бош директорининг АВ томонидан 2007 йил 27 февралда 1659-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган, бундан кейин – Низоми) барча муаммоларни ҳал қилгандек бўлди. Хужжатнинг 8-бандида белгиланишича, иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти мақсадларидаги иссиқлик энергияси етказиб берувчисига тегишли бўлган кўп квартиралар уйлардаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик пунктларини (бошқарув шохобчалари)ни ўз ичига олган марказлашган иссиқлик таъминоти тизими ва марказлашган иссиқлик таъминоти умумий муҳандислик тизимлари ўртасида **муҳандислик коммуникацияларининг бўлиниш чегаралари иссиқлик пункти (бошқарув шохобчаси)дан сўнг иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларининг бош зулфинлари ҳисобланади**, улар уйдаги умумий тизимларнинг бир қисмидир. Бошқача айтганда, хужжатга кўра, кўп йиллардан бери улар тўғрисида тарафларнинг манфаатлари бир-бирлари билан тўқна-

шиб келаётган иссиқлик шохобчалари уйдаги жой мулкдорларига тегишлидир ва улар ушбу шохобчаларни сақлаш учун жавоб берадилар.


Бироқ Низоми қабул қилинганидан кейин ҳеч нарса ўзгармади, тарафлар ўртасидаги зиддиятлар сақланиб қолди. Монополиячилар ўз фикрларида қолдилар: иссиқлик шохобчалари ширкатларга қарайди, улар учун жавоб бермаймиз – Низоми бир қатор қонун ҳужжатларига зиддир. Ширкатлар Низомига асосланиб, у ниҳоят ҳамма нарсани жой-жойига қўйди ва иссиқлик шохобчаларини сақлаб туриш юкини иссиқлик таъминотчиларига юклади деб таъкидлаётдилар. Бироқ таъминотчилар ушбу юкни ўз зиммаларига олишни ўйламаётганликлари боис Низоми катта иштиёқ билан кутиб олган ширкатларнинг ана шу ускуналарни сақлаб туриш билан ўзлари шуғулланишларига тўғри келади, акс ҳолда уй иссиқликсиз қолади. Бунинг харажатлари эса квартира мулкдорларининг зиммасига тушди.

ХУМШларнинг аксарияти таъминотчиларни зиммаларига ўз ишларини юклаганликда айблаётган бир пайтда Тошкентдаги «Салқар Коммунал Инвест» ширкати мушкул ҳолатга чек қўйди. Муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш имконияти қолмагач, у Тошкент хўжалик судига шартномадан аввалги низо тўғрисида «Тошиссиққуввати» ИЧБ УКнинг Чилонзор туманидаги 2-бошқармасига нисбатан даъво билан мурожаат қилди. Суд тергов-текшируви давомида жавобгар «Тошиссиққуввати» ИЧБ УКга (бундан



\*Таҳририят ихтилофли вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



кейин – бирлашма) алмаштирилди. Муҳандислик коммуникацияларининг кимга қарашлилиги ва уларни сақлаб туриш учун жавобгарликни бўлиш чегаралари қисмида суд тергов-текширувининг учала инстанциясида масала ХУМШ фойдасига ҳал қилинди. Шартноманинг иссиқлик шохобчаси кимга қарашлилигига тааллуқли бўлган Низом шартлари ширкатнинг ихтилофлар баённомаси таҳририда тасдиқланди: **бўлиниш чегараси бўлиб иссиқлик шохобчасидан кейинги бош зулфин ҳисобланади, бу эса Низомнинг 8-бандига мувофиқ келади.** Суд ҳайъати жавобгарнинг апелляция ва кассация шикоятларини қондирмасдан қолдириш, биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини эса ўзгартирмаслик тўғрисида қарор қилди.

«Салкар»нинг тажрибаси ҳозирча амалда ҳар бир ХУМШни ҳаяжонлантираётган муаммони суд тартибида ҳал қилишнинг республикада ягона ҳолатидир. Эҳтимол, кўплаб ширкатлар энгил нафас олгандир, баъзилар унинг ортидан эргаша бошлагандир. Бироқ тарафларнинг манфаатларини чамбарчас қилиб боғлаган ушбу масала улар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этмади. Шу боис у ҳуқуқий жиҳатдан жиддий қайта ишлашни талаб қилади, акс ҳолда иссиқлик шохобчалари ҳам узоқ вақт нифоқ сабабчиси бўлиб қолаверади.

### НИМАГА АСОСЛАНАМИЗ?

**Ширкатлар** ушбу масалага **шундай ёшдашяптилар:** модомики ҳужжат бор экан, унга амал қилиш керак. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни танлаб олиб, бир тарафлама тартибда ижро этиб бўлмайди. Низомни эътиборига олмай, таъминотчилар ширкатга ўзлари учун фойдали, бироқ қонун ҳужжатларига зид бўлган шартнома шартларини тикиштиряптилар. Монопол мавқеларидан, шунингдек ХУМШ баъзи раҳбарларининг билимдон эмасликларидан фойдаланиб, улар ширкат аъзоларининг қонуний ҳуқуқларини камситадиган шартномаларни имзолашга мажбур қиляптилар. Агар таъминотчилар Низомга қўшилмасалар, муаммони маърифий йўл билан, яъни ХУМШга тазйиқ қилмасдан ҳал этиш лозим. Ҳужжат қабул қилинганидан кейин 3 йил – ушбу масала бўйича ўз таклифларини тайёрлаш ва тегишли идораларга кўриб чиқишга топшириш учун етарли бўлган муддат ўтди. Масалани куч ишлатиб ҳал қилиш мақбул усул эмас. Модомики бўлиниш чегаралари тўғрисида бошқа ҳужжат ҳозирча йўқ экан, Низом кучда бўлади ва амал қилади.

Ширкат ушбу ҳужжат ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолди деб ҳисобламайди. Муаммонинг кескинлигини ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини янада ривожлантириш ва турар жойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чоратадбирлари тўғрисида» қарори (2006 йил 12 апрелдаги 64-сон) билан бир қатор идораларга Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга риоя қилмасликни ҳукумат ҳужжати талабларини назарга илмаслик деб баҳолаш мумкин.

Иссиқлик шохобчалари мураккаб ускуна бўлиб, унда иссиқлик таъминотининг гидравлик режимлари бошқарилади, технологик назорат, бошқариш ва ҳимоя қилиш воситалари жойлаштирилади, уни уй-жойнинг иссиқлик истеъмоли тизимларига узатиш олдидан иссиқлик манбаининг зарур параметрлари барпо этилади. Улар жуда юқори ҳарорат (150°C га қадар) ва босим (16 атм гача) таъсирида бўладилар. КМК 2.04.07-99 «Иссиқлик тармоқлари»га кўра иссиқлик шохобчалари иссиқлик тармоқларининг бир қисмидир.

Электр станциялари ва тармоқларидан техник фойдаланиш қоидалари иссиқлик тармоқларидан фақат иссиқлик тармоқлари корхоналари фойдаланишига йўл қўяди. ХУМШ бундай корхона мақомини ололмайди, ширкат сантехниги эса унга хизмат кўрсата олмайди. Бунинг иссиқлик шохобчаларига кира оладиган ёки уларда таъмирлаш ишларини ўтказишга лицензияси бўлган малакали мутахассислар қилишлари керак. Таъминотчилар қилаётганидек, иссиқлик шохобчаси уй ертўласида бўлгани учунгина уни ширкатнинг жавобгарлик соҳасига киради деб ҳисоблаш нотўғридир.

Шохобча бинонинг пастки қалин қисми (цоколи)дан узоқда жойлашган ҳоллар учрайди, бунда унга иссиқлик таъминоти ташкилоти хизмат кўрсатади. Биргина мураккаб тизим бўлса-да, бир ҳолда унга бир тараф, бошқа ҳолда ўзга тарафлар қарайди.

### ТАЪМИНОТЧИЛАР НУҚТАИ НАЗАРИ БОШҚАЧА

«Тошиссиққуввати» ИЧБ УК нуқтаи назаридан олганда, Низомда бир қатор зиддиятлар мавжуд. Ушбу ҳужжатнинг 1-бандида белгиланишича, «...жавобгарлик чегаралари бириктирилган тармоқлар орқали коммунал хизматларни кўрсатувчилар билан хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари ўртасида **мулкчилик ёки эгалик ҳуқуқи асосида... белгиланади**». Бироқ Низомнинг 8-бандида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимига кўп хонадонли уйларнинг гўё иситиш ва иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун иссиқлик энергиясини етказиб берувчига тегишли бўлган иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик пунктлари (бошқариш шохобчалари) киритилган.

Уй ичидаги иссиқлик шохобчалари уй-жойнинг иситиш ва иссиқ сув таъминоти ягона тизимининг элементи сифатида лойиҳалаштирилган. Кўп хонадонли уйда бўлиниш чегараси бўлиб бинонинг цоколи ҳисобланади. Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти мавжуд бўлган бутун давр мобайнида шундай бўлиб келган. Ертўла ичидаги ускуналар, аввало иссиқлик шохобчасининг мулкдори аввал давлат эди, ҳозир эса уйдаги жой мулкдоридир. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон, бундан кейин – ХУМШ тўғрисидаги Қонун) 28-моддаси мулкдорлар умумий мол-мулкнинг рўйхатини белгилайди, унга **техник қаватлар, ертўлалар, чердақлар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар** ва қурилмалар ҳам киради. Уй цоколидан нарида жойлашган иситиш шохобчаларида ҳам (қурилиш чоғидаги лойиҳа ечими тақозо этганидек) ҳар доим уй-жойдан фойдаланиш идоралари хизмат кўрсатиб келган. Бунда бўлиниш чегараси бўлиб иссиқлик шохобчасидаги кириш зулфини ҳисобланган.

Масаланинг тарихига келсак, Вазирлар Кенгашининг «Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари иссиқлик энергетика хўжалигининг самарадорлигини оширишга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида» қарори (1983 йил 8 сентябрдаги 536-сон) билан «Ўзбекиссиқликкоммунэнерго» РИЧБ тўғрисида низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш белгиланиб, унга, хусусан, куйидаги функциялар юкланган эди: бирлашма балансига қабул қилинган иссиқлик таъминоти тизимларидан (иситиш қозонхоналари, иссиқлик пунктлари ва **бинога киришига қадар иссиқлик тармоқлари**) фойдаланиш ҳамда уларни жорий ва капитал таъмирлаш, шунингдек **манфаатдор корхоналар ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича** иситиш қозонхоналари, иссиқлик пунктлари ва тармоқларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш (3-банд).

Тошкент ҳокимининг «Коммунал хизматлар учун ўзаро ҳисобкитобларга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори (2001 йил 25 декабрдаги 593-сон) билан уй-жойларнинг цоколидан иссиқлик шохобчаларига қадар иссиқлик тармоқларига, шунингдек шохобчаларнинг ўзларига хизмат кўрсатилиши иссиқлик таъминоти ташкилотига топширилди. Республикада ташкил этила бошланган ХУМШларни қўллаб-қувватлаш ушбу қадамнинг мақсади бўлди. Бунда шохобчалар мулкдорларнинг умумий мол-мулки бўлиб қолаверди. Ширкатларнинг кўпчилиги уларга хизмат кўрсатишни ўз зиммаларига олишди, бирлашма эса уларга бунинг учун техник қопламалар тўлаб борди. Бу харажатлар уни декларациялаш чоғида улгуржи тарифга киритилди ва бюджетдан компенсацияланди.

Президентнинг «Коммунал хизматлар тарифларининг асосиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2005 йил 11 февралдаги ПҚ-5-сон) билан белгиланишича, 2005 йил 1 июлдан бошлаб бино ичида жойлашган теплофикация тармоқлари ва қурилмаларига техник хизмат кўрсатишга доир фойдаланиш харажатлари\* уй-жой мулкдорларининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади ва, тегишинча, иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналарнинг харажатларига киритилмайди. Қарорга мувофиқ бирлашма иссиқлик шохобчалари ва уларга етказувчиларга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимлар сонини қисқартирди. Декларацияланган улгуржи тарифдан техник қоплама харажатлари: иш ҳақи ва иссиқлик шохобчаларига хизмат кўрсатиш чоғидаги ёрдамчи материаллар чиқариб ташланди.

Иссиқлик шохобчаси уй иссиқлик таъминоти тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади, алоҳида лойиҳа бўйича бажарилади, буюртмачи – уй эгасига топширилади. У КМК 2.04.07-99 «Иссиқлик тармоқлари» талабларига жавоб бериши кераклиги иссиқлик шохобчаларининг мулк ҳуқуқида ҳеч ҳам акс этмайди, шунингдек уй ичидаги иссиқлик шохобчаларининг тармоқлари ва ўтказиш қувурлари юқори ҳароратлар ва босим остида бўлиши ҳам, иссиқлик шохобчасида ярим тайёр маҳсулот товарга айланиши (шаҳарда эса иссиқлик шохобчаларининг 68 фоизи аҳоли томонидан иситиш тизимларини ўзбошимчалик билан қайта қуришлари туфайли ўз функциясини бажармайди) ва шу боис ҳеч ҳам уларнинг мулки бўла олмайди. Буларнинг ҳаммаси уларнинг эгаларига фойдаланиш чоғида, иссиқлик таъминоти ташкилотига эса назоратни амалга ошириш пайтида жавобгарлик юклайди.

Ҳеч ким ХУМШ зиммасига иссиқлик тармоқлари корхонаси мақомини юкламаяпти. Ширкат иссиқлик шохобчасига ким: ўзининг ходимлари, бошқарувчи ташкилот ёки бирлашма хизмат кўрсатиши кераклигини ҳал қилишга ҳақлидир. Зеро кўп хонадонли уй-жойда лифт хўжалигига ихтисослашган ташкилот хизмат кўрсатади, бироқ ҳеч кимнинг ҳаёлига у мураккаб тизим бўлганлиги учунгина уни лифтчиларга бериш фикри келмайди.

Иссиқлик шохобчаларини сақлаб туриш учун жавобгарликни иссиқлик етказиб берувчиларга юклаб, Низом ушбу мақсадларга харажатларни молиялаш манбаларини белгиламади. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, уни бажаришга доир бирлашманинг харажатлари иссиқлик энергияси тарифларини 7 фоизга оширади. Бундан ташқари, уларни ўз зиммаларига олишларидан аввал пойтахтда 9 мингдан ортиқ бўлган иссиқлик шохобчаларини таъмирлаш лозим. Бу жуда катта харажатлар демакдир. Бирлашма уларни ўз ресурсларидан қоплашга қодир эмас.

Шубҳасиз, ушбу мураккаб ускунага хизмат кўрсатиш учун махсус билимлар ва муайян малака зарур. Пойтахтда шартномавий шартларда ХУМШ хизматларини кўрсатиш учун 176 та бошқарувчи ташкилот барпо этилган. ТШКФХТ, шаҳар ХУМШ уюшмаси вақти-вақти билан малака ошириш курсларини ташкил қиляпти, ушбу ихтисосликни ўргатувчи коллежлар ишлаб турибди. Малакали раҳбарлар бош-

қараётган ХУМШлар уйларнинг иссиқлик шохобчалари ва иситиш тизимларига сифатли хизмат кўрсатяпти.

Ушбу масалани тартибга солувчи қонун ҳужжатларидаги зиддиятларга барҳам бериш учун «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК муайян қадамлар қўймоқда. Низом чиққан пайтдан бошлаб – 3 йил мобайнида бирлашма бир қатор вазирлик ва идоралар билан ушбу ҳужжатни қайта кўриб чиқиш зарурлиги тўғрисида ёзишиб турибди. Молия вазирлигига, хусусан, Низом талаб қилганидек, бошқарувчи шохобчаларига қадар уй ичидаги муҳандислик коммуникациялари ва иссиқлик шохобчаларининг ўзига хизмат кўрсатиш учун зарур молиялаш манбаларига доир тушунтириш бериш илтимос қилинган хат юборилди. Бошқа мамлакатларда, хусусан, Россия, Беларусь, Украинада иссиқлик шохобчалари мулкдорларга қарайди. Уларга квартира эгалари ёки шартнома бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хизмат кўрсатадилар.


### НАЗАР ТУШМАЙДИГАН ЖАБҲА

Пировардида, иккала тараф кутган Низом ишламаяпти. У зиддиятларга барҳам бермади, муаммога равшанлик киритмади. Бир иссиқлик шохобчасининг профилактик таъмири бир ойда деярли 50 минг сўмни ташкил қилади, бир йилда эса у 700 минг сўмга яқинлашади – башарти шохобча қониқарли ҳолатда бўлса. Капитал таъмирлаш ярим миллион сўмга етади. Агар шохобчада 80 минг сўмдан 150 минг сўмга қадар қийматли 12 зулфин борлигини ҳисобга олсак, бюджети ғоятда оз бўлган кўпчилик ХУМШларда иссиқлик шохобчаларининг аҳоли яхши эмаслиги ойдинлашади. Ихтилофларнинг сабаби шундан иборатки, ҳеч ким ўз зиммасига уларни сақлаб туриш учун жавобгарликни олишни хоҳламайди, ҳолбуки, Низомга кўра, жавобгарлик иссиқлик таъминотчиларига юкланган. Шу боис иссиқлик шохобчалари эътибор назаридан четда қолиб келяпти.

Бироқ ушбу низода калтак ширкатларнинг елкасида синади. Улар иссиқлик таъминотчиларидан ҳужжат ижросини қатъиян талаб қила олмайдилар – акс


ҳолда аҳоли иссиқликсиз қолади. Уларнинг бошқа иложи ҳам йўқ ва нима бўлганда ҳам иссиқлик шохобчаларини сақлаб туришни мажбурий бадал таркибидаги харажатлар рўйхатига киритадилар.

Агар Низомда зиддиятлар мавжуд бўлса, демак, ҳуқуқий нуқтаи назардан олганда, ҳужжат етарли даражада тартибга солинмаган, турлича талқин қилиш учун имкониятлар қолдиради. Ҳужжатнинг такомиллашмаганлиги унинг номидаёқ кўзга ташланади, унда сўз тегишлилик ва жавобгарликни **хусусий уй-жой мулкдорлари** билан коммунал хизматлар кўрсатувчилар ўртасида бўлишнинг чегаралари тўғрисида борапти. Низом фақат ХУМШ барпо этилган ҳоллар учунгина чегараларни бўлиш масалаларини тартибга солади деган хулосага келиш мумкин. Шундай савол туғилади: агар уйда ширкат барпо этилмаган бўлса, ушбу масала қандай қилиб тартибга солинади? Демак ХУМШ бўлмаган уйлар учун яна бир ҳужжат қабул қилиш лозимми? Ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилганида вариантлардан бирида универсалроқ таъриф – «кўп квартиралли уйда»



\*Президентнинг 2007 йил 5 мартдаги ПФ-3858-сон Фармони таҳририда – «умумий харажатлар».

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



таърифи мавжуд эди, бу эса қўллашнинг янада кен-  
грок соҳасини ўз ичига олар ва барча ҳоллар учун:  
уйда ширкат барпо этилган ва барпо этилмаган ҳол-  
ларда чегараларни бўлиш масалаларини тартибга солиш  
имконини берган бўлар эди.

Низомда айтилишича, уйдаги умумий муҳандислик тизим-  
ларининг техник ҳолатини лозим даражада сақлаб туриш учун  
техник назорат етказиб берувчи томонидан амалга ошири-  
лади. Бироқ ХУМШ тўғрисидаги қонун умумий мол-мулкни  
бут сақлаш ва тутиб туриш устидан назорат қилиш вазифа-  
сини ширкат бошқарувининг ваколатлар доирасига кирита-  
ди (25-модда). Етказиб берувчининг зиммасига юклатилган  
техник назорат қилиш функциялари хизматлар таннархида,  
тегишинча, тарифда ҳам акс этиши эҳтимолдан холи эмас.  
Бошқа мамлакатларда кўп квартиралли уйларнинг, шу жум-  
ладан муҳандислик коммуникацияларининг техник ҳолати  
устидан назорат қилиш етказиб берувчиларнинг зиммасига  
эмас, балки давлат уй-жой инспекцияларига юклатилади. Ис-  
сиқлик шохобчаларини сақлаб туриш мажбурияти ҳокимлик-  
нинг қарорларига кўра бир қўлдан иккинчисига осонгина ўта-  
ётганлигини кўриб, масаланинг ҳуқуқий тартибга солинма-  
ганлигига ишонч ҳосил қиласиз. 2001 йилда бундай қарор  
билан шохобчаларни сақлаб туриш нақ 5 йилга иссиқлик таъ-  
минотчилари зиммасига юкланган эди. 2009 йилда «Тош-  
кент шаҳри иқтисодиёти тармоқларини 2009–2010 йиллар  
куз-қиш даврига тайёрлаш тўғрисида» қарор (2009 йил  
18 мартдаги 143-сон) билан ширкатлар зиммасига иссиқ-  
лик шохобчаларини таъмирлаш мажбурияти юкланди. Бун-  
дан ташқари, Низом билан бир вақтда Президентнинг ПҚ-5-сон  
қарори 3-банди амал қилишда давом этяпти, унда уй ичидаги  
тармоқлар (шу жумладан иссиқлик тармоқлари ҳам) ва қурил-  
маларга мулкдорлар ҳисобига техник хизмат кўрсатиш на-  
зарда тутилган. Бундай чалкашликларни, ширкатлар у ёқда  
турсин, ҳатто юрист ҳам ечиши мушкул.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг  
(2000 йил 14 декабрдаги 160-II-сон) 14-моддасида белгила-  
нишича, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқори-  
роқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳуж-  
жатларга мувофиқ бўлиши шарт. Улар бир-бирига тўғри кел-  
маган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норма-  
тив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади. Фуқаролик кодекси  
(ФК)нинг 3-моддасида тасдиқланишича, бошқа қонунлар ва  
қонун ҳужжатларидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари норма-  
лари ФКга мос бўлиши шарт.

Кўринадик, Низом ФКнинг 211, Уй-жой кодекси (УЖК)-  
нинг 124 ва ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддаларига  
зиддир, уларда квартира мулкдорлари умумий мол-мулкни-  
нинг рўйхати белгиланган. Бундай умумий мол-мулкка уй  
ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари,  
хоналардан ташқарида ёки ичида жойлашган ҳамда битта-  
дан ортиқ хонага хизмат кўрсатадиган механик, электрик,  
санитария-техник ҳамда **бошқа ускуна ва қурилмалар** ки-  
ради. Агар бошқа ускуна ва қурилмалар деганда иссиқлик  
шохобчаси тушунилса, у, шубҳасиз, квартира эгаларининг  
умумий улушли мулкдир. Яъни умумий мол-мулкнинг ало-  
ҳида белгилари бўйича у мазкур уйнинг жой мулкдорлари  
умумий мулкига киритилади. Демак, агар уни сақлаб туриш  
масъулияти иссиқлик таъминотчилари зиммасига юклатил-  
ган бўлса, у ҳолда жой мулкдорларини умумий мол-мулк-  
дан ноқонуний маҳрум қилган эканлар-да?

Мулк ҳуқуқи ўзига қарашли мол-мулкка эгаллик қилиш, ун-  
дан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдан иборат (ФКнинг  
164-моддаси). Кўп квартиралли уйда умумий мол-мулк мулк-  
дорларга улушли мулк ҳуқуқида тегишли бўлади (ХУМШ  
тўғрисидаги Қонуннинг 29, ФКнинг 211, УЖКнинг 124-мод-  
далари). Жой мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаб ту-  
риш харажатларини биргаликда амалга оширишлари шарт  
(ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддаси). Кўп квартира-  
ли уйдаги умумий мол-мулкка доир улушли мулк иштирок-  
чиси уни сақлаб туриш бўйича умумий харажатларни амалга  
оширади (УЖКнинг 126-моддаси). Умумий улушли мулк

ҳуқуқидан келиб чиқиб, уни сақлаб туриш мажбурияти квар-  
тира мулкдорлари (ширкат тимсолида) зиммасига тушади.

Низом қабул қилинаётганида, чамаси, муаммога техник  
ёндашиш устунлик қилган: иссиқлик шохобчаси – мураккаб  
тизим, унда коммунал маҳсулот зарур параметрларга еткази-  
зилади, шу боис уни ширкат эмас, балки ушбу маҳсулотни  
етказиб берувчи сақлаб туриши керак. Республикада ХУМШ-  
лар кичиклаштириляпти, уй-жой мулкдорларининг кичик ва  
бир уйли бирлашмалари ташкил этиляпти. Эҳтимол, Низом  
ХУМШларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган вақ-  
тинчалик ҳужжатдир. Бироқ ҳатто шундай бўлган тақдирда ҳам  
у қонун ҳужжатларига зид бўлиши мумкин эмас, чунки бу нар-  
са муқаррар равишда зиддиятларни юзага келтиради.

Европа мамлакатларида, шунингдек МДХнинг бир қатор  
мамлакатларида муҳандислик коммуникацияларининг мансуб-  
лик ва уларнинг сақлаб туриш учун жавобгарликни бўлиш  
чегаралари идоровий ҳужжатлар билан эмас, балки қонунлар  
билан белгиланади. Қонуности ҳужжатларида эса умумий мол-  
мулкнинг рўйхати батафсилроқ тартибга солинади, унда, жум-  
ладан, иссиқлик шохобчалари ҳам кўрсатилган. Шу боис улар-  
ни сақлаб туриш бўйича ҳеч қандай саволлар юзага келмай-  
ди. Бунда мулкдорларнинг жавобгарлик зонаси битта уйли-  
гидан келиб чиқилади. Улардан бошқа ҳеч ким иссиқлик шо-  
хобчаларининг соз ҳолати, коммунал маҳсулотнинг хизмати-  
дан бу даражада манфаатдор эмас. Уларга хизмат кўрсатиш  
иссиқлик таъминоти, бошқарувчи, ихтисослашган ташкилот-  
лар билан шартномалар асосида амалга оширилади.


Шуни таъкидлаш лозимки, Низомнинг меъёрларига қара-  
май, бир қатор ХУМШлар ўз зиммаларига иссиқлик шохоб-  
чаларини сақлаб туришни олиб, буни зарурият юзасидан  
эмас, балки бу нарсанинг ширкат мажбурияти эканлигига  
ишониб қилдилар. Самарқанд, Қўқонда мазкур масала бўйича  
ҳеч қандай муаммолар юзага келмаяпти. ХУМШ шаҳар уюш-  
малари тушунтириш ишининг натижаси ана шундай. Улар  
қуйидагича ёндашяптилар: иссиқлик таъминотчилари эмас,  
балки ширкатлар (мулкдорлар тимсолида) иссиқлик шохоб-  
чаларининг соз ишлашидан манфаатдорлар, айти шу боис  
уларни сақлаб туришга мажбурлар.

Кўп ширкатлар шохобчаларга хизмат кўрсатиш харажатла-  
ридан қочиб, ўзлари учун шу ондаёқ наф кўришни кўзлайди-  
лар, улар масалага кенгрок назар ташлай олмайдилар. Агар  
ушбу ускуна сақлаб туриш учун жавобгарлик иссиқлик таъ-  
минотчилари зиммасига юклатилса, бунинг оқибатлари ХУМШ  
фойдасига бўлмаслигини кузатиш мумкин. Аввало шохобча-  
ларни сақлаб туриш харажатлари кўпайиши билан иссиқлик  
энергияси тарифлари ошади. Уларни сақлаб туриш харажат-  
ларини назарда тутадиган нормативлар ишлаб чиқилади.  
Бироқ бир шохобча кўпроқ, бошқаси эса камроқ харажатлар-  
ни талаб қилиши мумкин, лекин нормативлар доирасидан  
четга чиқиб бўлмайди. Бу эса яна ундан уй-жой соҳасига хиз-  
мат кўрсатишга ўтиб кетишга ҳаракат қилинадиган умумий  
қозон, ўша маблағларни қайта тақсимлаш деганидир. «Сиз-  
нинг шохобчангизни таъмирлашга пул йўқ», – деган ваз кўрса-  
тишлар юзага келади. Мулкдорлар шохобчаларни сақлаб ту-  
риш ва таъмирлашга ўз маблағларини кўшимча равишда сарф-  
лашлари истисно эмас, бошқача айтганда, икки марта тўлай-  
дилар. Ширкатлар таъминотчиларнинг иссиқлик шохобчала-  
рини сақлаб туриш ва таъмирлашга қиладиган харажатлари-  
ни назорат қила олмай қоладилар.

Ширкатларда ижрочиға таъсир қилиш имконияти бўлмай-  
ди. Бу нарсанга танлаш ҳуқуқини истисно этади – иссиқлик таъ-  
минотчилари қандай хизмат кўрсатишларига қарамай, шир-  
катларга бориға қаноат қилишларига тўғри келади. Биз бо-  
зор ёндашувлари тўғрисида сўзлаётган бир пайтда бу ҳол  
хизмат кўрсатишда монополияға олиб келиб, жой мулкдор-  
лари (ХУМШ)ни хизмат кўрсатувчи ташкилотни эркин тан-  
лашдан маҳрум қилади.

Иссиқлик шохобчаси билан боғлиқ чалкаш масалани ҳал  
қилиш учун талқин қилишда ҳар қандай икки хилликни ист-  
исно этадиган аниқ, бир маъноли ечим керак. Ихтилофлар-  
га барҳам бериш учун Низомни юқорироқ юридик кучга эга  
бўлган қонун ҳужжатларига мослаштириш лозимдир.

Мавзуйий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



# TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 35 (268) 2010 йил 14 сентябрь



«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган


Тошкентдаги  
омбордан сотилади

Тўлов – исталган  
шаклда




Тошкент ш., Ҳамза тумани,  
Султонали Машҳадий кўч., 210  
(мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,  
Уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




## АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

## РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

### Chevrolet NIVA

Ҳақиқий внедорожникнинг янги тури

Товар сертификатланган



166-10

H512

Расмий дилер: «Sanar» хусусий корхонаси www.sanar.uz  
Манзил: Тошкент ш., Ҳ.Умаров кўч. (мўлжал – Жанубий вокзал, кичик ҳалқа йўли)  
Тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87



Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 23 ва 27 августдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод туманидаги банкрот деб топилган ҳамда тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	КТУТ (ОКПО)	Қарор рақами
«VEGA ONIIN NET» МЧЖ	301092788	12.06.09 003735-03	22643201	10-1013/12903
«TALAMUZ-TRADING» МЧЖ	206987692	19.01.09 003633-03	22646300	10-1013/12904
«AZIZA-BONU» ХФ	202866957	29.09.99 1661(0712)	17295749	10-1013/11704
«SAE PARAM» МЧЖ	300062604	30.10.07 002221-03	21463951	10-1013/11705

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб О.Алтиев ва Д.Солиев тайинланган. Ушбу корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 28 сентябрда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 16 августдаги 10-0919/13531-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги «LEADMONT» МЧЖни банкрот деб топиш бўйича иш очилган. Мазкур корхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 14 сентябрь соат 10.00 да Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уйда ўтказилади. Корхона юзасидан талаб ва таклифлар Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 51а-уй манзилига билдирилиши мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24.

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

## «ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов – исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

## НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги ВК туридаги, Вихрли  
дренаж учун ГНОМ туридаги ЦМК туридаги фекаль  
К туридаги, Консоль «Андижанец» насоси  
«КАСКАД» ҚЎЗ

189-10

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ



ART MEBEL GROUP

Офис ва уй учун

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мақбул нархларда  
шинам муҳит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собик МУМ) – 3-қават
2. Боруний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция

(мўлжал – «Ғунча» кинотеатри, «Тинчлик» м.б.)



Тўлов – исталган шаклда

Товар сертификатланган

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77 www.art-mebel.uz

### РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 16 августдаги ажримларига асосан Собир Раҳимов туманидаги соддалаштирилган таомилда банкрот деб иш юритиш ва кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
«Ravon-Biznes» ХК	10-1014/13664
«Vita-Servis» МЧЖ	10-1014/13662
«Vtt-Impex» HF	10-1014/13666
«Tarjimon» XF	10-1014/13665
«Таъминот-Истиқбол» МЧЖ	10-1014/13663

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходими Х.Ҳаётов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2010 йил 13 сентябрь соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 401-хонада ўтказилиши тайинланган. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши 2010 йил 22 сентябрь соат 14.00 да Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 4-суд залида бўлади.

\*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 28 августдаги 10-1008/13208-сонли қарорига асосан Чилонзор туманидаги «ABDUJAMOL-SERVIS» МЧЖ бўйича тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхонанинг муҳр ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23 ва 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 27 августдаги 10-1020/14468(19)-сонли ажримига асосан Учтепа туманидаги «BOTLES LINE TRADING» МЧЖ бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Муваққат бошқарувчи этиб А.Бобононов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2010 йил 16 сентябрь соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар Тошкент ш., М.Шайхзода кўчаси, 1-уй, Учтепа туман ДСИ биноси, 3-қават, 309-хонада давом этмоқда ва эътирозлар ушбу манзилда қабул қилинади. Тел.: 274-28-70, 275-95-10. Банкротлик иши Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси Қ.Ш.Хамраев томонидан 2010 йил 25 сентябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносининг 10-сонли суд залида қўрилади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 6 сентябрдаги 10-1019/13529-сонли ҳал қилув қарорига асосан Бектемир туманида рўйхатга олинган «YASHAR» ЛТД Ўзбек-Туркия қўшма корхонаси тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхонанинг думалоқ муҳри ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Кредиторларнинг даъволарини тақдим этиш учун эълон босилган кундан бошлаб 2 ой муддат белгиланган. Кредиторлар даъволари қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Х.Бойқаро кўчаси, 2-уй. Тел. 295-02-80.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 23 августдаги 10-1008/11771-сонли ҳал қилув қарорига асосан Юнусобод туманидаги «Arzon Doir» МЧЖ банкрот деб топилган ва тугатиш ишлари бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Юнусобод туман ДСИ ходими Н.Абдуқодиров тайинланган. Мазкур корхонанинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 15-хонада қабул қилинади. 2 ой муддат мобайнида даъво билан Юнусобод туман ДСИга муурожаат қилинмаган ҳолда корхона белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел. 235-87-26.

УзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси,  
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

## "AMIR-AUDIT" МЧЖ

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - УзРдаги 5000 ЭКИХдан ортиқ

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

## "Аудит-ВАРН" МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН  
ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС  
БҮЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ  
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ  
ЎТКАЗАДИ

128-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,  
уяли: +998971192248  
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42  
Тошкент вил., тел. +998974541664

## "NAZORAT-AUDIT" МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

МВнинг 23.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча хўжалик юритувчи  
субъектларнинг аудиторлик  
текширувлари

Хизматлар халқаро  
малакага эга аудиторлар  
томонидан кўрсатилади

e-mail: nazorat\_audlit@mail.ru  
8-371-2794716, +99897 402-05-00  
+99897 258-57-97, +99897 340-98-82  
8-371-2794401

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

TOP

top

237-51-33  
237-47-20  
237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
<p><b>ИШ</b></p> <p>Шошилини! Сертификатланган баҳоловчилар керак (2 киши). Тел.: 255-66-45 (офис), 176-37-01 (уяли).</p>	<p>Картрижларни тўлдириш ва қайта тиклаш. Жойига бепул чиқиш билан. Тўлов исталган шаклда. Тел. 380-73-71.</p>
<p><b>СОТИЛАДИ</b></p> <p>Брезент, майдалагич, алоқа кабиллари, қадимий русумдаги гишлар, шиша бутилкалар. Тел. 252-34-89.</p>	<p>Ташкилий техникани тўлдириш ва таъмирлаш. Тел. (+99897) 340-45-08.</p>
<p><b>БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ</b></p> <p>Бухгалтерия хизматлари. Ҳисобот. Тўлов - пул ўтказиш йўли билан. Тел. 104-96-23.</p>	<p>Компьютерларни тузатиш, картрижларни тўлдириш. Тел. (+99890) 321-15-99.</p>
<p><b>ХИЗМАТЛАР</b></p> <p>Ташкилотларга абонентлик хизматлари кўрсатиш. Компьютерлар ва ташкилий техникани таъмирлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел. 380-73-71.</p>	<p>Ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва тузатиш. Тел.: 102-72-98, 244-58-12.</p>
<p>Компьютерга тез ёрдам кўрсатиш. Жойига бепул чиқиш билан. Тўлов исталган шаклда. Тел. 380-73-71.</p>	<p>Лазерли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 337-59-17. Анатолий.</p>
	<p>Видео-, фотосуратга олиш*. Тел. (+99897) 709-20-17.</p>
	<p>*Хизматлар лицензияланган.</p>

## РҮЙХАТЛАР

\*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 3 сентябрдаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РҮЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Раҳбар исм-шарифи	Манзили	Қарор рақами
"VANK" МЧЖ	204277414	И.Каримов	ТашГосМИ, 26-14	10-1014/13450
"ADIBSA SAVDO" МЧЖ	300914665	Р.Тиллаев	Себзор, 45-229	10-1014/13441
"ASROR-SHAVKAT" МЧЖ	300883999	Р.Сахватшин	Қорақамиш 2/1, 3-10	10-1014/13455
"NEW MAX XR" МЧЖ	301350846	Х.Тошпўлатов	Дилхуш кўч., пр-4, 17	10-1014/13452
"ROMA INFO INTEGRAL" МЧЖ	206958260	Р.Мирзаев	Космонавтлар, 12-107	10-1014/13430
"EXCELLENT-DRIVER" МЧЖ	207040004	А.Каримов	Фафур Фулом кўч., 4-23	10-1014/13448
"MARASULOV TECHNOLOGIYALARI" ХК	300319123	А.Марасулов	Ходжаев кўч., 2-14	10-1014/13438
"GRAND FAVORIT" ХК	300996690	Ж.Таджиев	Ц-13, 12-15	10-1014/13454
"OLIY-IMRON-BIZNES" МЧЖ	300078875	С.Исмаилов	Зарқайнар, т-14, 138	10-1014/13451
"CHORIKOR QURILISH" УК	300688726	Б.Нуруллаев	Беруний, "Ешпўлат ота" ХК биноси	10-1014/13435
"MAX MONZO" МЧЖ	301432901	Р.Якубов	Себзор, 31-22	10-1014/13447
"PET RECYCLING" ХК	301180551	А.Бахтиев	Сағбон, т-4, 34	10-1014/13440
"MUXITDINOV BK" ХК	301190057	Б.Мухитдинов	Қорақамиш 2/3, 24-1	10-1014/13437
"AGAVA-PLUS" МЧЖ	205562369	О.Болтаев	Форобий, Дугорчи тор кўч., 11	10-1014/13439
"XAMIDULLA BARAKA OMAD" ХК	300994084	Х.Заитов	Қорақамиш 2/5, 10-34	10-1014/13436
"ZARBDOR DIZAYN" ХК	301364155	И.Хамидов	Форобий, 432	10-1014/13434
"MIRAJ-OPTIMA" МЧЖ	205955194	Х.Усмонов	5-Аҳил кўч., 26	10-1014/13456
"VASILA-BIZNES" ХК	300753732	А.Ходжаев	Беруний-3, Блок-ж, 1	10-1014/13444
"FAR-SEEING" ХК	301091679	И.Брынина	Пушкин кўч., 79-289	10-1014/13429
"TODILJAM" МЧЖ	301250155	М.Юнусова	Меҳмондўст кўч., 21	10-1014/13445
"MARUBENIY INVEST" МЧЖ	300924534	А.Низаметдинов	Медгородок, Г-30, 22а-21	10-1014/13443
"XAQQULBEK" МЧЖ	202969400	Ф.Баратов	О.Хотамов кўч., т-3, 1	10-1014/13442
"ULTRA BUSINESS" МЧЖ	301185624	У.Шоисломов	Сағбон, т-24, 37	10-1014/13446
"KEDE" ХК	201669062	"Жихоз" АО	Домий, 20	10-1014/13431
"RAA-AVTO-BIZNES" ХК	205272326	А.Рустамов	Форобий кўч., 338	10-1014/13432

Маъмур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

\*Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 20 августдаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги тугатилаётган корхоналар РҮЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"MADINABONU-TAOM" ХК	10-1020/12869
"RUSTAMJON OMAD" ХК	10-1020/12895
"AGROTRUST SERVIS" МЧЖ	10-1020/12892
"AZIZA DIAMOND" ХК	10-1020/12891
"RONISSIMO" МЧЖ	10-1020/12890
"ONLINE SOLUTIONS" МЧЖ	10-1020/12889
"RAVSHAN MEDIKAL" МЧЖ	10-1020/12888
"METAL PROM GROUP" МЧЖ	10-1020/12887
"MARJONA FAYZ PLUS" МЧЖ	10-1020/12886
"NEOTON GAMMA" ХК	10-1020/12874
"EKO BIBIXON" МЧЖ	10-1020/12873
"MOYIRA QURBON" ХК	10-1020/12875
"DON OMUNA SAVDO" ХК	10-1020/12877
"AMUR-ELEONOR" МЧЖ	10-1020/12876
"WONDERFUL WALK" ХК	10-1020/12872
"NUR FARM MEDIKAL" ХК	10-1020/12871
"RIFORT START" МЧЖ	10-1020/12870
"ISMOIL-LUTFULLA" ХК	10-1020/12893
"QUINDUXON NURI" ХК	10-1020/12885
"FAROG'A" МЧЖ	10-1020/12884
"ФЭТТАХЕДИН УЛЫ" МЧЖ	10-1020/12883
"YANGI OBOD FAYZ" ХК	10-1020/12882
"BUGUNGI KUN QURILISHI" ХК	10-1020/12880
"ЛОГЕР" МЧЖ	10-1020/12879
"NARIN-KALA" ХК	10-1020/12878
"TASHSELMASH ENERGI" ШК	10-1020/12881

Маъмур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторларнинг даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Фарғона йўли кўчаси, 21-уй, Ҳамза тумани ҳокимияти биноси, 32-34-хонада қабул қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 27 августдаги қарорларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги тугатилаётган корхоналар РҮЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатдан ўтган санаси ва рақами	Директор	Юридик манзили	Қарор рақами
"HOT-BURGER" ХФ	204520516	28.04.2003	594	Б.Атабеков	Полк.Хўжаев кўч., 2
"KAPALAK TOUR" ХФ	300471729	31.05.2007	001923-09	Б.Муллажонов	Шомахмудов, Қизил Шарк, 48
"ABDULAZIZ-SAIDA-OILASI" ХК	205299078	13.12.2004	515-09	С.Ўринбаева	Ген.Узоқов кўч., 8-36
"ZIYO TRUST BUSINESS"	300981157	11.11.2008	002957-09	-	Навоий кўч., 3
"ARDIKONS ASHAN BIZNES"	301192039	19.05.2009	003327-09	-	Бешёғоч кўч., 20-38
"SAIDABONU" ХК	200982482	08.08.2007	00205-09	Ф.Раҳимов	Қоратош массиви, Akmal-savdo биноси
"SILOL TAYYORLOV" ХК	206616994	02.06.2006	1277-09	У.Нортожиёв	М.Кулий тор кўч., 24
"ОК ҚУШЛАР" ХФ	200841848	26.08.1994	916/8	А.Ҳакимов	Навоий кўч., 30а
"HAPPINESS FOREVER"	301233373	23.06.2009	003388-09	А.Хошимов	С.Хўжаев кўч., 47
"ASSET ESTATE PLUS" ХК	206757607	14.08.2006	1426-09	И.Назаралиев	Эхтиром-2, 8
"MADINA-DIYOR" ХК	205223869	17.09.2004	407-09	Н.Шадиетов	Бешёғоч, 8-Г
"ANORA-PROGRESS"	301070181	04.09.2009	003121-09	Х.Хуббалиев	Жангоҳ кўч., 17а-4
"JSN GLOBUS" ХК	205223876	17.09.2004	408-09	Ж.Султонов	Навоий кўч.,
"IMPROVISE DESIGN"	300999118	05.12.2008	002992-09	Ф.Самегжанов	савдо расталари
"FARRUH NODIR SAVDO"	301315064	11.09.2009	003556-09	Н.Тошходжаев	Ходи Такташ кўч., 14
"ASET" ХФ	204353573	28.01.2002	109	М.Алимухамедов	Темир Тау кўч., 3
"SAGIG-TEX"	300688837	21.01.2008	002319-09	Б.Одилов	Боғ кўч., 18-6
"SHAVKAT-TEGIRMON" МЧЖ	300489941	16.02.2010	001957-09	С.Демин	Бешёғоч, 14-33
"XUSNIDDIN-SARDOR-GULI"	300684842	31.10.2008	665-ПР	Х.Зайниддинов	Фафуров 2-тор кўч., 20
"LAZIZABEGIM"	300676464	10.01.2008	002295-09	М.Қодиров	Гулобод, 82-15
"ANXOR OMAD SERVIS" PROFESSION	301038686	23.01.2009	003082-09	А.Хайдаров	Олмазор кўч., Чили берк кўч., 23
"GLOBAL BROK SERVIS" ХК	206993583	16.03.2009	3179-09	-	У.Юсупов кўч., 4
"SIRUS-ENERGO" МЧЖ	205727920	24.05.2005	827-09	Р.Фафуров	Навоий кўч., савдо растаси
"GRUPPA-9 TEMUR"	300613874	09.11.2007	002199-09	Н.Бобоев	Марказ-13-22-35
"OQ OTISH SPORTI" ШК	204956487	23.03.2004	183-09	Ж.Султонов	А.Навоий кўч., 18
"SAM-AGRO EXPORT"	300789576	03.04.2008	002491-09	А.Тайланов	Чорсу, Беруний, 3
"PO'LAT ZIYO SAVDO"	301116408	27.03.2009	003201-09	Ш.Шожалилов	М.Уйғур кўч., 314, 5-корпус, 2-хона
"ORIENTAL STAR TOUR" МЧЖ	207015555	27.07.2009	003442-09	Н.Абдуллаева	Эски Жува худудидаги Эски-Жува бозори
"SELZI DENTA" МЧЖ	207034588	20.07.2010	003627-09	А.Набиев	Гулобод, 97-61
"PROYEKTOIL TEXNOSERVIS" МЧЖ	300479280	08.06.2007	001938-09	Б.Хамидходжаев	Оқтепа, 44-9
"TASHABBUSKOR AYOL" ШК	206197734	10.03.2006	1142-09	Ш.Улмасова	Навоий кўч., 9
"LAT-LIT EURO"	301038575	23.01.2009	003080-09	Г.Усмонова	Кох ота кўч., 75
"FARHOD STROY INVEST" МЧЖ	301339192	07.10.2009	003630-09	-	Белтепа, 32-Б, 10
"DEKOR-MEBEL" МЧЖ	205687283	26.03.2009	200-ПР	Д.Кенгашева	Ш.Абзалов 5-тор кўч., 10
"MED-PARTNYOR" МЧЖ	205463713	30.10.2009	000605-09	Н.Ташметов	Б.Зокиров кўч., 7
"RESPECT TO NATION" МЧЖ	301328340	25.09.2009	003593-09	Б.Ҳакимов	У.Юсупов кўч., 1
"SEVARA-AZIZ-FARM" МЧЖ	206880305	10.07.2008	001873-09	М.Собиржонов	Марказ-14, 19

Маъмур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва штамплари бекор қилинади. Дебитор ва кредитор даъволари эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда махсус комиссия томонидан Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 7а-уй манзили бўйича жойлашган Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти биносининг 2-қаватидаги Тадбиркорларни рўйхатга олиш хонасида қабул қилинади. Тел. 241-87-45.

## НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ХУКУК

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Тахририят оғоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзиш туриши имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишига фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс - 186 Буюртма 721 Аҳли 4240. Баҳоиси келишилган нархда  
Газета 2010 йил 9 сентябрда соат 18.00 да топширилди.  
ISSN 2010-5223